Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 15 сентябрь чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 183 (2221)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакиллари иштирокида Андижон вилоятида «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши кўриб чиқилди.

Мажлисда қайд этилдики, Андижон вилоятида Қонун талабларига биноан аҳолини ишга жойлаштириш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги вилоят дастурига мувофиқ янги иш ўринларини барпо этиш юзасидан режали иш олиб борилмоқда.

Бироқ, текшириш кўрсатганидек, Қонун талабларига риоя этишда айрим камчиликлар бор. Жумладан, Қонуннинг иш ўринларини квоталаш тўғрисидаги талабига риоя этилмаяпти. Корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллий меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари ўртасида зарур алоқа йўқ ва уларнинг фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилмайди. Барча ташкилотлар ва корхоналар ҳам банд бўлмаган иш ўринлари тўғрисида меҳнат органларига ўз вақтида хабар қилавермайди.

Қўмита мажлисида Андижон ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг эътибори аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарурлигига қаратилди.

Раҳбарларнинг эътибори шунингдек, айниқса қишлоқдаги ўқимайдиган ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг қайта малака олиши, шу йўл билан уларни ҳар хил салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

Ногиронларни ишга жойлаштириш, улар учун иш ўринларини барпо этиш, шунингдек, амнистия бўйича озод қилинганларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Андижон вилоят ҳокимлигига депутатлар ишчи гуруҳи қайд этган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, шунингдек, Қонун талабларига риоя этилиши ва ўз қарорларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш тавсия қилинди.

## Қўнғиротликлар ифтихори





*Мустақиллик йилларида республикамизнинг бошқа жойларидаги каби Қорақалпоғистонда ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қўнғиротда қад ростлаётган сода заводи шулар жумласидандир. Айни пайтда бу ерда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу савобли ишга ҳисса қўшаётган 1200 дан ортиқ қурувчининг қўли-қўлига тегмайди. Завод ишчи-хизматчилари учун бунёд этилаётган шаҳарчада эса барча қулайликларга эга бўлган мактаб, шифохона ва турар-жой бинолари ҳам бўй чўза бошлади.*

**СУРАТЛАРДА:** бош муҳандис Аъзамжон Сержонов; янги қурилаётган турар-жой бинолари.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## КОРЕЙС КИНОФИЛЬМЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимизда ўтказилаётган Корея Республикаси маданияти кунлари доирасида пойтахтдаги Кинochилар уйида мазкур мамлакат киноижодкорлари асарлари фестивали очилди.

Фестивалнинг очилиш маросимида "Ўзбеккино" давлат акционерлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари М.Ҳазратқулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги маданий алоқалар тобора кенгайиб бораётганини қайд этди. Ўзбекистонда Жанубий Корея маданияти кунларининг ўтказилиши икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилажагини таъкидлади.

Кореянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Ёнг Ха эса ўз сўзида корейс кинофильмлари фестивалида иштирок этаётган барча меҳмонларни қутлади. Ўзбекистон Президентининг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни изчил таъминлаш ҳамда турли миллат вакиллари ўртасида тотувликни янада мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли бу ерда барча миллат вакиллари тенг ва дўстона муносабатда яшамоқда. Албатта, бундай маданий тадбирлар халқларни бир-бирига яқинлаштириш, ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек томошабинлари эътиборига ҳавола қилинаётган фильмлар корейсларнинг ҳаётини катта экранда тасвирлаб беради. Шунингдек, фильмларни томоша қилган киши корейс халқининг урф-одати, миллий қадриятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Кинофестиваль доирасида Жанубий Кореянинг етакчи кино усталари томонидан тайёрланган бешта бадиий фильм намойиш қилинади. Ўзбек томошабинлари "Мактуб", "Чўчқа қудуққа тушиб кетган кун", "301, 302", "Августдаги Рождество", ҳамда "Алоқа" фильмларини томоша қилади. Ушбу фильмларда Ватанга садоқат, инсонпарварлик, севги-муҳаббат каби қатор ҳаётий воқеалар мужассам топган. Қисқаси, фильмларни томоша қилган ҳар бир киши ўзининг корейс халқи ҳаёти ҳақидаги тасаввур ва билимини анча бойитиш имконига эга бўлади.

**(ЎзА).**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ МИТТИ ИНЪИКОСИ

Республикамиздаги бир қанча жамоат ташкилотлари маърифий мавзудаги кўнгилочар боғ барпо этишни таклиф қилди. Боғ "Буюк ипак йўлининг митти инъикоси" деб аталади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Олимлар уйида бўлиб ўтган республика семинарида шундай боғни барпо этиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Ташаббускорларнинг режасига кўра, янги боғ мажмуини Буюк ипак йўлининг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан ўтган қисмида қуриш кўзда тутилади. У кўп мамлакатларда мавжуд бўлган аниқ мавзуларга бағишланган боғларга ўхшатиб барпо этилади. Унинг таркибида Европа ва Осиёдаги йигирмадан ортиқ мамлакатнинг тарихи, маданияти ва асрлар давомидаги тараққиётини акс эттирувчи павильонлар бўлади. Уларнинг ёнида ҳунармандларнинг устахоналарини жойлаштириш режалаштирилмоқда. Ҳунармандлар томошабинлар кўз олдида халқ ижодиёти буюмларини ясайдилар. Боққа келувчилар турли халқларнинг миллий ўйинларида, халқ ижодиёти байрамларида ва фестивалларида иштирок этишлари мумкин бўлади.

Бундай боғ мажмуининг барпо этилиши Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналиши бўйича маданий бойликларни айирбош қилишни ривожлантиришдан ташқари бу "мўъжизалар мамлакати"га хорижий сайёҳатчиларни жалб этиш ҳисобига Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга ҳам кўмаклашади. Бу ғоянинг амалга оширилиши иш билан банд бўлмаган аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлашга имкон беради.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

"Пахта-99"

## Вилоятда биринчи

**Нарпай туманидаги "Туркистон" хўжалигининг Турғун Рўзимуродов бошлиқ бригадаси пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллади. Улар биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил кўтариб, қабул пунктига 67 тонна юқори сифатли саноат хомашёси топширишди. Бригада аъзолари ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун астойдил меҳнат қиляптилар.**

**Ҳ. ШУКУРОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 13 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 87,69 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 219,35 |
| 10 Бельгия франки | 35,12 |
| 1 Голландия гульдени | 64,28 |
| 10 Греция драхмаси | 4,34 |
| 1 Дания кронаси | 19,06 |
| 1 БАА дирхами | 36,65 |
| 1 АҚШ доллари | 134,62 |
| 1 Миср фунти | 39,45 |
| 10 Испания песети | 8,51 |
| 100 Италия лираси | 7,32 |
| 1 Канада доллари | 91,06 |
| 1 Хитой юани | 16,26 |
| 10 Люксембург франки | 35,12 |
| 1 Малайзия ринггити | 35,43 |
| 1 Германия маркаси | 72,43 |
| 1 Польша злотийси | 33,58 |
| 1 СДР | 185,11 |
| 1000 Туркия лираси | 0,30 |
| 1 Финляндия маркаси | 23,83 |
| 1 Франция франки | 21,60 |
| 1 Швейцария франки | 88,48 |
| 1 ЕВРО | 141,66 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,13 |
| 10 Япония иенаси | 12,33 |
| 1 Россия рубли | 5,24 |
| 1 Украина гривнаси | 29,89 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЖАНГАРИЛАР ЧЕКИНМОҚДА

13 сентябрь куни Боткен туманида жойлашиб олган халқаро террорчиларга Қирғизистон ҳукумати томонидан қўйилган таслим бўлиш ҳақидаги ультиматум муддати тугади. Босқинчилардан ижобий жавоб олинмагач, Тожикистон томонидан Қирғизистон ҳудудига ўтган босқинчиларни тугатиш операцияси бошланди. Қирғизистон ҳарбийлари маҳаллий аҳоли ва ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда жангарилар яшириниши мумкин бўлган барча жойларни текшириб чиқмоқда. Дастлабки тўқнашувларда Боткен тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи Қ.Султонов яраланган. Боткен тумани маъмуриятидан хабар қилишларича, Қ.Султонов вертолётда Бишкекдаги ҳарбий касалхонага жўнатилган.

* * *

Боткен ҳудудини халқаро террорчилардан тозалаш операциясининг дастлабки куни давомида икки нафар босқинчи асир олинган. Қирғизистон ҳукумати хориждаги айрим сохта адолатпарварларнинг қўлга тушган жангариларга нисбатан ҳарбий асирларга бўлган каби муносабатда бўлиш талабини рад этди. Қирғизистон томони қўлга тушган жангарилар амалдаги тузумга қарши қўлда қурол билан жанг қилган жиноий тўда аъзоси сифатида жавобгарликка тортилишини маълум қилди.

* * *

Боткен воқеаларини ўз жойида кузатиб турган мутахассисларнинг фикрича, Қирғизистонга бостириб кирган жангарилар ортида бевосита Бирлашган тожик мухолифати турибди.

Тожикистонда яқинда ўтказилиши мўлжалланаётган парламент ва президент сайловлари олдидан Бирлашган тожик мухолифати халқаро майдонда обрўсини йўқотиб қўйишдан қочиб, ўз жангариларининг бир қисмини Қирғизистоннинг ҳарбий жиҳатдан деярли ҳимояланмаган Боткен тумани ҳудудларига ўтказиб юборган. Айни чоғда ҳам уларни моддий ва ҳарбий жиҳатдан таъминлаб турибди.

* * *

Бирлашган тожик мухолифатининг раҳбари Саид Абдулло Нурий Тожикистон шарқида — Қирғизистон билан туташ тоғларда Жума Намангоний ва унинг одамлари йўқ, деб баёнот берди. Унинг Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Камол Харрозий билан учрашув пайтида айтишича, шу йилнинг август ойида мухолифат кучлари Тожикистон ҳарбий кучлари таркибига қўшилган пайтда Ж.Намангонийга қуролни топшириш ёки мамлакатни тарк этиш ҳақида талаб қўйилган. Шундан кейин Ж.Намангоний ва унинг одамлари Тожикистон ҳудудини тарк этган.

* * *

Қирғизистонга Тожикистон тарафдан бостириб кирган халқаро террорчилар қўлида тўққиз кун асирликда бўлган ўзбекистонлик альпинистларнинг айтишича, жангарилар уларни Тожикистоннинг Жирғатол туманидаги асосий базаларида сақлаб турган. Альпинистлар ўзлари турган жойларни юксак аниқликда тузилган харитага биноан белгилаган. Альпинистларнинг гапи Бирлашган тожик мухолифати раҳбариятининг Тожикистон ҳудудида Ж.Намангоний одамлари йўқ, деган гапини узил-кесил инкор этади.

* * *

Боткен туманининг юксак тоғлар бағрида жойлашган ва босқинчилар ўзларига қароргоҳ этиб олган қишлоқлари ҳаводан бомбардимон этилгач, ярадор бўлган жангарилар Тожикистоннинг Жирғатол тумани касалхоналарига жойлаштирилган. Бу ҳақда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасига Фарғонага ўтган тожикистонликлар хабар берган. Хабарларга қараганда, Жирғатол тумани аҳолиси жангарилар хатти-ҳаракатига норозилик билдирмоқда. Айрим қишлоқларга жангариларни қўймаслик ҳоллари ҳам учраган. Бироқ жирғатолликлар Боткенда фаолият кўрсатаётган террорчиларнинг тожикистонлик ҳомийлари тазйиқидан чўчигани учун ҳам уларнинг зулмига чидашга мажбур бўлмоқда.

* * *

Боткен туманида жойлашиб олган террорчиларнинг бир гуруҳи Чўн-Олой тумани ҳудудига ҳам ўтган эди. Ҳозир улар бу туман ҳудудидан бутунлай қувиб чиқарилган. Ҳарбийлар жангариларни Тожикистоннинг Жирғатол туманигача таъқиб этган. Жангарилар чегарадан ўтиб кетгандан сўнг таъқиб тўхтатилган. Бироқ босқинчилар чегара ортидан қирғизистонлик ҳарбийларга тез-тез ҳужум қилиб турибди. Яқинда бўлиб ўтган шундай отишма пайтида бир аскар ҳалок бўлган, иккинчиси оғир яраланган. Жирғатол ва унга қўшни ҳудудлар ҳамон Бирлашган тожик мухолифати назоратида турибди.

* * *

Бирлашган тожик мухолифатининг Тожикистондаги асосий таянч базалари тоғли Ғарм ва ундан ҳам тепароқдаги Жирғатол туманларида бўлгани маълум. Ҳукумат қўшинлари эса ҳозир ҳам бу туманлар ҳудудига ўтолмайди. Оғизда тинчлик ва демократия талаби билан чиқаётган тожик мухолифатининг қайсарлиги, айниқса, Қирғизистон ҳарбийларига ортиқча ташвиш туғдирмоқда. Босқинчиларни куршовдан чиқармаслик учун қирғиз ҳарбийлари тоғларга десант туширди ва Тожикистон билан чегараларни бир томонлама ёпишга мажбур бўлди.

**(ЎзА).**

Мустақиллик иншоотлари

## ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

***Республика Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 6 ноябрда «Шўртан газ-кимё комплекси қурилишини жадаллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Шунга кўра, ўша йилнинг 18 ноябрида корхона мажмуи барпо этиладиган майдон, қурилиш ўрни аниқланиб, рамзий қозиқлар қоқилган ва тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган, 1998 йил январь ойидан қурилиш ишларига киришилган эди.***

XXI аср сари

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида бунёд этилаётган газ-кимё мажмуи мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири бўлади. Унда йилига 125 минг тонна полиэтилен, 142 минг тонна суюлтирилган газ, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган 5 минг куб метр плёнка, 10 минг тонна қувурларни ўраш учун ишлатиладиган плёнка ишлаб чиқарилади. Қурилишга 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланади. АҚШ, Италия, Япония каби кўплаб давлатларнинг йирик компаниялари мажмуа қурилиши ва ускуналарни ўрнатишда қатнашмоқда. 2000 йил охирига бориб, мажмуа ишга туширилиши керак.

Ўтган даврда нималар қилинди, қандай қурилиш ишлари амалга оширилди? Газ-кимё мажмуи қурилиши бўйича ваkillik бош муҳандиси Олег Сулейманов тақдим қилган маълумотномага кўра, иш бошлангандан бери катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бу шуни англатадики, газ-кимё мажмуи қурилиши жадал бормоқда.

Улкан иншоот сари сафаримда йўлларнинг равонлиги, айниқса, диққатимни тортди.

— Йўлсиз иш бўладими?, — дейди «Қашқадарётранс» давлат акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Салим Каримов. — 1997 йил 17 ноябрдан бери газ-кимё комплекси қурилишида қатнашиб келаяпман. Мен сизга айтсам, Шўртан газ-кимё мажмуидан Толлимаржон ГРЭСига қадар бўлган 14,5 километр йўл қурилишида минглаб машина қатнашди. Чумолилар изма-из қандай қатнаса, уларда шу тахлит тош, шағал, асфальт ташилди. Ва қисқа фурсатда ана шу йўл барпо этилди.

Шўртан қўрғонидан газ-кимё мажмуигача яна 15,7 километрлик янги йўл қурилди, 16 километрлик эски йўл таъмирланди. Газ-кимё мажмуи атрофида 5,6 километрлик халқа йўли, хорижлик ҳамкорлар қўрғонига қадар бўлган 3 километр йўл ҳам қисқа фурсатда бунёд этилди.

Вахта қўрғонида бўлсангиз, ҳайрат билан атрофга боқасиз. Бу ернинг қип-қизил саҳро, яйдоқ чўл, қум барханларидан иборат эканлигини унутасиз. Ўзингизни гўё ажиб бир шаҳарга келиб қолгандек ҳис қиласиз.

Маъмурий бинодан ташқари бу ерда йирик савдо дўкони, 75 ўринли нақшинкор чойхона, мовий гумбазли ҳаммом, бир кеча-кундузда 7 тонна нон пишириладиган новвойхона, 250 ўринли ошхона, мўъжазгина бозорча, 50 ўринли меҳмонхона, 100 ўринли ётоқхона, турар жойлар... Ҳаммаси шарқона меъморчилик усулида қурилган. Бири-бирига ўхшамайди, бири-биридан чиройли. Ҳаммасидан ҳам боғча-мактабни айтмайсизми! Китобнинг қўш саҳифаси шаклида қурилган бу хушбичим иморат дарҳол диққатни тортади. Уларда иссиқ сув ҳам, совуқ сув ҳам бор.

Қўрғондаги ободонлаштириш ишларига ҳам қойил қолмай иложингиз йўқ. Мевали ва манзарали дарахтлар кўчатлари кўм-кўк бўлиб яшнаб турибди. Ҳатто ёнғоқ дарахтига ҳам кўзим тушди. Гулларни-ку, қўяверинг. Ҳамма туридан бор. Шунинг учун ҳам бу ерга ташриф буюрган кишининг кўзи қувнайди, дили яйрайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг «Қудратимизга шубҳанг бўлса, қурдирган иморатларимизга боқ», деган сўзларидаги ҳикматни англагандек бўлади.

Буни бу ерда ишлаётган ҳар бир киши билади ва шу билан ифтихор туяди. Бу бежиз эмас. Чунки ана шундай гўзалликнинг ижодкорлари — ўша оддий одамлар, кўпчилиги ёшлар. Юзлари офтобда қорайган, қўллари қадоқ, аммо чеҳралари очиқ, кўзлари чақноқ.

Газ-кимё мажмуига ташриф буюрган Президентимиз ана шуни дарҳол илғади ва ёшларнинг улкан тўй иштиёқида эканликларини бир қарашда билди. Шунинг учун ҳам «тўйига айтасизлар, албатта, келаман», деди. Шундан бери нафақат ёшлар, балки 2-автотранспорт идораси ҳайдовчиси, 60 ёшли Беғам Ҳусеновга ўхшаш кишилар ҳам тезроқ мажмуани қуриб битказиш ва унинг очилиш маросими — катта тўйни, унга Юртбошимизнинг қатнашувини интиқ кутишмоқда. Шу фурсатни яқинлаштириш учун фидокорона тер тўкишмоқда.

— Президентимиз билан шу жойда учрашиш, саломлашиш бахтига муяссар бўлдим, — дейди Беғам бова. — Худо хоҳласа, мажмуанинг очилишида яна бир дуч келиб, қўлини ушласам, сўрашсам, бас. Ана ундан кейин ҳеч армонсиз пенсияга чиқиб кетавераман. Бу менга «Дамас» ёки «Тико» автомашинасини мукофотга берганидан ҳам афзал. Невара-чеварам эслаб юради-да...

— Марҳамат, — дейди оққушдек ярақлаб турган «Нексия»нинг эшигини очганча ишлаб чиқариш бўлимининг техник-назорат муҳандиси Нурилла Иброҳимов. — Сизни бир айлантирай.

Шу куни этилен ва полиэтилен цехлари, умуман, газ-кимё комплекси қурилишининг ҳамма томонини кўрдик. Ажнабийларнинг, ўзимизнинг қурувчиларнинг ишини кузатдик. Айниқса, 11,5 миллион куб метр сув тўпланадиган сув омбори қурилиши мени ҳайратда қолдирди. Тўғоннинг узунлиги 800, эни 140, баландлиги 17 метр экан. Шу ерда «Ҳисораксувқурилиш»га қарашли 3-механизациялашган кўчма жамланма усталари Боймурод Холиқов, Абдумалик Очилов, бульдозерчи Ўрин Нурматов, скрейперчи Бозор Рустамов билан танишдик.

— Шаҳрисабздан келиб ишлаймиз, — дейишди улар, — бир ҳафта ишлаб, бир ҳафта дам оламиз. Иш ҳақи яхши. Шароит жойида.

— Орзуимизми? — дейишади улар юзларига табассум ёйилганча, — мажмуа қурилишини тугаллаш, уни элга кўз-кўз қилиш...

Шўртан газ-кимё мажмуидаги иншоотларда иш 2 сменада давом этмоқда. Суръат сусайгани йўқ. Муаммолар йўл-йўлакай ҳал этилмоқда. Бунда Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ҳукумат комиссиясининг вақти-вақти билан ўтказаётган йиғилишлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Яна нима ҳам дердим? — дейди Олег Сулейманов. — Ҳаммасини ўзингиз кўрдингиз. Ишлаяпмиз...

Ҳа, энг муҳими — ишлаяпмиз. Ишлаганда ҳам, Мустақиллик қадрини билиб, моҳиятини англаб ишлаяпмиз. Юртимиздаги оламшумул ўзгаришлар ижодкори кимлигини-ю, ана шу зотнинг элимиз фахри эканлигини тушуниб, ишлаяпмиз.

Буни мен Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида такрор ва такрор ҳис қилдим, кўнглим тоғдек кўтарилди. Булар ҳали бошланиши, холос. Ана шу қурилишлар битиб, заводлар маҳсулот бера бошлагач, юртимизнинг қиёфаси қандай бўлишини тасаввур қилаверинг.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

